

## Фаолият ёрлиғи

Ҳар қандай тартиб таркибнинг соғломлиги ва фаолияти билан боғлиқ. Жамоа аъзоларининг ҳамжиҳатлиги иш унумининг сифатига ва муҳитнинг тоза бўлишига имкон яратади. 2019 йил 16 январь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидаги бошланғич ташкилоти Ёшлар Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Институт ректорининг 2019 - йил 14 - январдаги 32 А/Ф сонли буйруғи 2.2 банди ижросини таъминлаш мақсадида бошланғич ташкилот ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди. Бошланғич ташкилот Ёшлар Кенгаши аъзолари ва фаолиятни кузатувчи гурӯҳ эълон қилинди.

Фаолиятни жонлантириш, фаол ёшлар қатламини янада кенгайтириш масаласига тўхтаб ўтилди. Бошланғич ташкилотнинг факультет ёшлар етакчиларига, Ёшлар Кенгаши етакчиларига Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ишонч ёрлиқлари топширилди. Фаол бўлинг ва сафимизга қўшилинг. Биз билан янги ютуқларга эришинг.



**Институт ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти маълумоти**

**Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**